

ПАЙШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

● ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ


● БАҲОСИ ЭРКИН НАРХДА ●



— НИМА-А... ОЛМА ОЛИБ БЕРАЙМИ!



— ТОШ ОТСАММИКАН, УСТИГА ЧИҚСАММИКАН!



— УҲ-ҲУ, БИТТА ТУШДИ, ЕБ КУРАСИЗМИ!



— ЕМАСАНГИЗ ЕМАНГ, УЗИМ ЕЙМАН...

Ҳ. СОЛИҲОВ сурати

ОБУНА БОШЛАНДИ!

Азиз газетхон! Давримиз ўзгариб боргани сари, мамлакатимизда нашрларнинг тури ҳам кўпайиб кетди. Бу, албатта, яхши. Чунки сизда танлай олиш имкони пайдо бўлди. Жамиятда ўз ўрни бўлмаган бирор бир газет ёки журнал йўқ. Уларнинг ҳар бири ўз сўзи, ўз овозига эга. Хонадонингиз сирдоши бўлган «ОИЛА ВА ЖАМИЯТ»нинг ҳам сизга ўз айтар сўзи бор.

«ОИЛА ВА ЖАМИЯТ» 1994 йилда ҳам оилангизнинг эрка меҳмони бўлиш орзусида. Меҳмонни қабул қилиш Сиз азизлар ихтиёрида.

Хуллас, обуна бўлишда сеvimли нашрларингиз орасида «ОИЛА ВА ЖАМИЯТ»ни ҳам унутмайсиз, деган умидамиз.

Эслатиб ўтамиз: 1994 йил учун обуна баҳоси куйидагича белгиланди:

1 ОЙГА — 512 СУМ.

3 ОЙГА — 1536 СУМ.

6 ОЙГА — 3072 сўм

1 ЙИЛГА — 6144 СУМ

Газетнинг қай даражада ўқишли бўлиши, қандай мавзуларда мақолалар берилиши, умуман, газетнинг яшаш сизларга боғлиқ. Шундай экан, саҳоват ва меҳрингизни «ОИЛА ВА ЖАМИЯТ» дан дариг тутманг, сеvimли газетингизга ўз вақтида обуна бўлинг! Обуна индекси 64654.



Кейинги

сонларда:

ЖУМАНАЗАР БЕКНАЗАР:

Имконни бой бериб...

НАБИ ЖАЛОЛИДДИН:

Уч кузатилмиш

тушунчаси

«Оила ва жамият» 41(112)

Ҳодиса

ИШГА ЕТИБ БОРДИМИКАН?

Одатдагидек бекатда одам гавжум. Сал нари ўтиб тўхтаган автобусга югургилаб чиқиб олдим. Одамларнинг тирбандлигидан нафас олиш ҳам оғир. Бир маҳал ёнимда кетаётган ўрта ёшлардаги кишининг ранги оқариб, ҳаммадан узун бўлмоқчидек бўйини чўзди ва беҳол мен томонга осилиб қолди.

Юраги ёмон экан. Амаллаб уни ўриндиққа жойлаштиригач, ҳамма билганича биринчи ёрдам кўрсата бошлади. Бемор оғзини катта-катта очиб аранг нафас олар, юздан тер кўйилар, жуда қийналарди. Аксига олгандек автобусда бирорта ҳам врач йўқ экан. Кимдир чўнтагидан «валидол» топиб, беморнинг оғзига тутди. Ҳамманинг эътибори унга қаратилган, ачинаиб термулишдан нари ўта олмаيمиз. На илож, кўлимиздан келгани шу. Ва бирдан автобусда гала-говур

бошланиб кетди. Одамлар ойнага ёпишиб, кўча томонга кўлларини силкий бошлашди. Ажабки, йўл четида «Тез ёрдам» машинаси турган экан. Автобус машина ёнига келиб тўхтади. Беморнинг бахтими, ишқилиб, врач ҳам бор экан.

Бемор эса... автобусни тўхтатмасликни, тезроқ ҳайдашни талаб қиларди. Одамлар унинг норозилигига ҳам қарамасдан кўлтигидан олганча ташқарига етаклай бошлашди. У бўлса нуқул мадорсиз кўллари билан кўмаклашаётганларни ўзидан нарига сурмоқчи бўларди. Воқеанинг чўзилаётганини кузатиб турган врачнинг сабри чидамади чамамда, эшик олдига келиб тезроқ уни пастга олиб тушинглар. Аксинча, кеч бўлади деб одамларни шошира бошлади.

— Нега қаршилиқ қиласиз? Ахир аҳволингиз янада оғирлашиб қолиши мумкин-ку,—

деди унинг қайсарлигидан жаҳли чиққан йўловчилардан бири. Бемор атрофдагиларга илтижо билан қаради. Унинг нима демоқчи бўлганини эшитмоқ учун ҳамма кўлоқ тутиб турарди. У қийнала-қийнала гап бошлади.

— Биродарлар! Раҳмат сизларга... аммо, илтимос қиламан... илтимос, автобусни тўх-тат-манг-лар! Айтинг... тезроқ ҳай-да-син. Йўқса, ишга кеч қоламан...

Бирдан қаҳ-қаҳа кўтарилди. Одамлар унинг оёғини ерга текизмасдан кўз очиб-юмгунча «Тез ёрдам»га жойлаб автобусга чиқдилар. «Тез ёрдам» шитоб билан ўрнидан кўзгалди.

Б. ЭНАЗАРОВ,
Тошкент

«КАТАЙСА» ҚИЛАМИЗ

Чори АҲМАД сурати

ДИЛ ТАНБЕҲЛАРИ

Гўзаллик инсонга илоҳият томонидан бахш этилган табиий бир баркамолликки, бу жозоба, сеҳр олдига ҳар қандай юрак жунбушга келади. Ҳозир қамраб турган маконидан тошди, унга сизга кетади. Гўзалликнинг буюк қудрати олдига шоҳ ҳам, гадо ҳам тиз чўкади. Гўзалликни тангри нафақат қизларга, балки мунис оналарга ҳам, йиғитларга ҳам, бутун борлиққа инъом этган. Лекин биз инсон зоти шундай гўзалликлар ичидан ҳам гўзалликни қидирамиз. Ранглардан рангларни фарқлаймиз, очиқроқ рангдан тўқроғини хуш кўрамиз.

Яна дунёда бир ҳис борки, бу ҳис дунёдаги барча ҳислардан буюк, покиза, кўнглини ҳамма губорлардан тозалайдиган, инсоннинг эртанги кўни янашси учун энг буюк имкон яратадиган, ўтмиш-дошларимизни, ота-бободаримиз, замондошларимиз эҳтиром билан тилга оладиган МУҲАББАТ туйғусидир.

Муҳаббатни эъвозласанг, бир умр эзгуликнинг этак баридан тўтган бўласан. Бордию, унинг эшигини янглиш топиб қолсанг ёки муҳаббат йўлида адашсан бир умр тирик ўлик ҳис билан ўтишга тўғри келади. Қалбаки, муҳаббатсиз ҳаётда эса сеҳр, жозоба йўқ.

21 ёшимда 21 баҳоримни эслатиб қил-қизил чинни гуллардан саралаб бир кучоқ совға келтирган йиғитнинг гулларини ололмаслигини, ўзини ёқтирмасам совғасини бошимга урамани, деб талаба дугоналаримга айтиб уларнинг хоналарига бекиниб қолганим, йиғит мени йўқлаб дугоналаримдан сурштириб бугун турганим куним эканлигини дугоналаримга эслатиб гулларни қолдириб кетганим, мен йиғит кетганидан сўнг гулларни хонамга сочиб ташлаганим ва уларни юлиб-юлиб тобтаб ташлаганим, сўнгра узук-юлук гулларнинг шохчалари-

ни, баречаларини йиғиб олиб, деразадан улоқтирганым ёдимда. Ошиқ йиғит эмасми, бироқ жойга кетган бўлса ҳали келиб қолар деб ташқарида мени кутиб тургани, сўнгра беҳосдан баланд бино — ётоқхона деразасидан узиб-юлиб ташлаган гулларнинг бўлакчалари бир-бир пастга тушаётганида воқеани биллиб жимеина бошини эгиб кетиб қолгани ёдимда. Кейин ҳам унинг келиб-кетиларига қайрилиб қарамдим. Уша пайтлар қўнғилда ҳали ўзим меҳр қўйган муҳаббатим йўқ эди. Ёқтиролмасангиз нима ҳам қилардингиз?

Табиб табиб эмас, бошидан ўтган табиб дейдилар. Бу эзгуликни муҳаббат бобидан қиз бола бошим билан бир йиғитни севиб қолганимдан сўнг гулларку гуллар, гулларга қисс қилинадиган қиз бола муҳаббат боғида топталганимдан сўнг ҳаммасини ҳис қилдим. Рад этилиш қан-

чалик оғир эканлигини, қуйган юракларни шунда ҳис этдим. Топталган гулларнинг қил-қизил сийҳи ҳали-ҳануз уни эгиб кетиб қолгани сизлиб сизиб юрибди.

Биз Ширинлар, Қумушибир, Рағнолар тақдирлари, уларнинг ҳусни жамоллари қошида ўзларининг Фарҳодлари, Отабеклари, Анварлари чуқур инсоний ҳис туйғулари билан муҳаббатларини эҳзор этганларини китобларда ўқиганмиз, экранларда кўрганмиз. Ҳамма киноларда йиғитлар севган қизларига етишини учун курашадилар ва охирида мақсадларига етадилар. Муҳаббатда икки йўл бор: ё висол, ё завол.

Ўйлаб қоламан, ҳозирги муҳаббатни шаклланиши қандай кечаяпти. Биз қизларда муҳаббатга сазовор

бўлиш учун ўзимизда самимий ҳис-туйғу, сеҳр, оқиллик, жозоба, ифрату латофат етарлимикин? Ёки бизнинг кўнғилимизни тўлдирар-

диган муҳаббат йўқ деб муҳаббатдан ўзимиз билган ва билмаган ҳолда катта нарса кутаялмизмизкин?

Бизни йиғлатаётган нарса нима? Ёки муҳаббатни тасаввуримиздагидек бўлишини истаганимизми? Наҳотки кўнғилимизни ёриштирган бир

муҳаббат ҳали эшигимизни қоқмаса ёки бугунги замон қизларининг ўзлари ҳам муҳаббат «фронти»га кириб бораверсалармикин, «йўқса Отабекларни топиб олишда нега оқсоқланишяпти? Саволимга акс-садо қайтади. Нега?..

Зарбуви АЛҚАРОВА
Самарқанд

ЕТТИ КУН

95 ЕШЛИ ПАҲЛАВОН

Олтинсой туманидаги Хўжасоат қишлоғида яшовчи Абдусаттор бобо Жанжалов беш йилдан сўнг юзга қиради. Яқинда бобонинг 95 ёшлик тўйи бўлди. Тўйга тумонот одам йиғилди. Вилоят ҳокими Жўра Норалиев Абдусаттор акага тўн кийгизди ва нафақасини икки баравар ошириш ҳақида вилоят ҳокимлиги чиқарган қарорни ҳам топширди.

ЭНДИ НАВБАТ ВАГОНЛАРГА

Самарқанд темир йўл шоҳбека тининг янги қурилганлиги ҳақида ахборот воситалари хабар тарқатишганди. Яна бир янглик, патта сотиш жойи аёллар учун алоҳида, эркаклар учун алоҳида.

Дарвоқе, аёлу эркак айқаш-уйқаш бўлиб патта олишга ўрганиб қолган йўловчилар учун ҳам ҳозирча «умумий паттахона» ишлаб турибди.

МУАЛЛИМ МАКТАБГА ҚАЙТМОҚЧИ

Нуротанинг Қирқовут қишлоғидаги 41-мактаб муаллими Омон Қаюмхон муаллимликни ташлади. Бизнесмен бўлмоқчи бўлди. Йўқ, кўшни 29-мактабдаги ҳамкасбига ўхшаб, ўз ўқувчиларига 400 сўмлик авторучкани 500 рублдан сотиб, «бизнес» қилмади. Бор маошга 100 та жўжа олди Бироқ, жўжабоқар жаноб жўжаларини бир кун ҳам боқолмади. Номаълум жўжа-сеवार «бизнес»ни бир кечада «тинчитиб» кетди.

БАРАКАЛЛА

Шўрчи туман ҳокими Эшболта Шерматов эса яқинда шўрчилик ҳар бир хонадоннинг элликтадан товۇқ боқиши тўғрисидаги ташаббус билан майдонга чиқди. Шўрчилик ҳам бирон катта чиқиб нимани айтса, шунини қиладиган халқ. Шу кунларда ўн минг оилада ярим миллион товۇқ меҳр билан боқилаяпти. Худо хоҳласа, ҳа демай ҳар бир шўрчиликнинг ҳовлиси фермага ўхшаб, товۇқлари болаларидай кўпайиб қолади.

«БАҚТРИЯ»ДА ТЎХТАБ УТИНГ!

Термиз билан Жарқўрғон туманлари ораллиғидаги станцияга «Бақтрия» деб ном берилди. Худо сизга йўл бериб, Сурхондарёга келсангиз, «Бақтрия»га бир қўниб ўтинг.

БЎЛДИ АЖИБ ҲАНГОМАЛАР

Пешонасидаги ягона фермасини бетон плиталар билан ўраб олиш учун буюртма берган Избосқандаги бир колхўз келтирилган 450 минг сўмлик плитани сотиб ололмагач, фермани сотиб юборди. Фермани сотиб олган милёнер соҳиба плита учун 450 минг эмас, нақ 500 минг рублни дарҳол санаб топширгач, юзта яна шундай плитага буюртма берди.

150 МИНГ РУБЛЛИК ИТ

Гулистон шаҳрида истиқомат қилувчи бир итсевар жаноб зотли немис овчаркасини кучүкчасини атиги 150 минг сўмга сотиб олди. Харидорнинг фикрича, бу нари борса бир тўнна пизнинг пули, холос.

...Аравага баланд қилиб ёшанга тортилган. Ичида оқ рўмолга бурканган келин. Арава йўлга тушади. Биз болакайлар қий-чув билан уни кўёв хонадонига — тўйхонага довуз кузатиб борамиз. Хотин-халаж, орқароқда эса бир тўп эркаклар ҳамроҳ бўладилар. Йўл бўйи болаларнинг шовқинидан бўлак садо чиқмайди. Келин чиққан хонадондаги йиғи-сўғи — келиннинг опа-сингилларининг хайрлашувлари энди эшитилмайди. Ортда қолиб кетган.

Мана кўёв хонадонига кириб борамиз. Эпчилроқ йиғитлар йўлга гулхан ёқадилар. Бу бир ирим — оташпараст боболаримиздан мерос. Келин арава дарвоза олдига тўхтади. Тўй эгалари уни қўриш оладилар. Болаларнинг устига ширинликлар сочиллади. Сочқини терши билан овора бўлиб, жўралари кўёвни «топиб» келини сезмай қолмади. У тенгқурлари орасида уялибгина, ера термулди туради. Одмигина кийинган. Кўёвнинг тоғаларидан бириси ера пўстин солади. Кўёв арава ёнига келади. Келинни даст кўтариб пўстин устига тушириши керак. Энг қизиқ жойи шу. Хаяжон-

Кўёв жўралари бир ҳаракатдаёқ ёштни илиб олиб, чайнашга тушадилар. Қуероғи эса қўлини ҳам иша солади. Энди унга кадхудо йиғит дакки бермайди. У кўёв учун мўлжалланган катта лужмани ҳозирламоқда. Одатда кўёвга аталгани бир неча баробар катта келади. Оғизга сигади — буку майли. У ёғида чайнаб, томоқдан бир амаллаб ўтказиши азоб. Сенга юзлаб жуфт термулган, ҳар бир ҳаракатини кузатиб турган пайти ҳаяжондан қуриқиб қолган оғизда ёшит ҳўлланармиши?

Нима бўлса-да қида!
Кадхудо ёшит бўлагини ҳаммага намоийи қилиб, кўёв тўранинг нигоҳидан бир қарра ўтказди. «Тайёр бўлавер!» Иккинчи галда у мурғат қилади: «Кўёв йиғит қани олинг!» Кўёвнинг илинж билан чўзиган оғзи биринчи мартада бўш келади. Иккинчи уриниши ҳам бекор кетади. Тенасида турган одамларнинг шўх қийқириғи, қочиримли гап-сўзи кадхудони ўз «томошасини» бир неча марта такрорлашга ундайди. Кўёв бечоранинг бўлари бўлган...

эади. Биз болакайлар эса дераздан боқиб, уй атрофида то уйқу келгунча ёки оналаримиз чақириб олгунча сарсон бўлиб юрамиз.

...Мен ўттиз йил муқаддам кўрган — хотирамда маҳкам ўрнашиб қолган воқеаларни айтаялман. Бу хотираларни ўнутиб бўлмайди. Улар сирли, сеҳрли. Баъзида шу қадар қўмсаб кетасан-ки...

Атиги йиғирма йил муқаддам ҳам шундай тўйлар бўлгуси эди. Кейин барчаси... бошқа йўлга, ўзгаларнинг урф-одатига кўчди. Энди ҳилол рўмолга беркиниб олган келин ҳам, уятдан қизариб кетган кўёв ҳам йўқ. Улар қўлиқлашиб, бугун юрт нигоҳида қайсибир қадимжогога гул қўйишга борадилар. Машиналарда қувнашиб, шампан вноси ичиб юрадилар. Келинни замонавий енгил машинадан кўтариб тушираётган кўёв қизариб эмас, қулиб туради. Тенгқурлари билан ҳазиллашади. Ўзининг нималарга қодирлигини кўрсатмоқчи бўлади...

«Ёр-ёр» ҳам, «Келин салом» ҳам номига айтилади. «Келин сузилиш» ҳам ҳавасмандлар кам. Бу маросим ҳам

чиқиб келадилар. Мадҳиялар бошланади, ҳаммага таниш бўлиб қолган, минг, миллион марта айтилавериб, шудеори чиққан тилмаклар билдирилаверди. Даврабоши-ю, қўшиқчининг «тўй-халғаси» бир хил. Кечаги тўйда айтилган гап бугун бу тўйда такрорланади. Фақат исми шарифлар бошқа. Даврани тўладириб, мажнунчасига ўйнаётган маст йиғитлар, тенгқурларига кўз қарши қилиб, имо билан ўйнаётган боқира қизлар. Давра сўнгида келин-кўёв ҳам рақсга тортилади...

Муқаддам қиз тарафидан ҳеч ким кўёв тарафга тўйга бормасди. Бу уят ҳисобланади. Энди ҳатто қизнинг ота-онаси тўй тўрида қўр тўкиб ўтиришади. Эл-юрт олдига қизига, кўёвга тилак айтади. Видеотаъсирга олаётган шаввозга интервью ҳам беришади...

Оврупо миллатига мансуб йиғит-қиз тўйида қатнашганман. У тўйда кўрганларимни ўзимизнинг ҳозирги тўйларга солиштираман. Фарқи йўқ. На кийим-бошда, на тилак билдиришида, на йиғи-рақсда. Ҳар иккисидан ҳам бир хил «қолип» — бир хил сценарий. Миллатини исми шарифларига қараб фарқламасан.

Келин-кўёвларнинг бахт тўйларига қатнашишга ҳушим йўқ. Йилда бирор марта мажбуран бормасам.

Негадир болалиқда кўрганларим — ота-боболаримизнинг минг йиллик маънавий мероси — тўй ўтказиши одатлари эсимга келаверди.

Мен узоқ болалиқни эмас, болалиқдаги бахт тўйларини қўмсайман.

Рўзимбой ҲАСАН

ШАРҚОНА ТҮЙ УТГАН ҚУНЛАР

ланган, уялган йиғитнинг энг марди ҳам бундай пайтда довузлайди. Оёқлари қалтираб кетади... Бирлари келинни кўтариётиб қип-қизариб кетадилар. Уят — иймонлик белгиси.

Кейин «ёр-ёр» бошланади. «Келин салом» бошланади. Қайвони кампирлар қизиқ-қизиқ термалар айтиб, яқинларига салом йўллаб туришади. Оқ ҳарир рўмол қатига яширинган келинпошиша янганнинг имо-ишораси билан эзилиб-езилиб салом беради...

Уни эсатишлик уйга киритадилар. Хонанинг қоқ ўртасидан «девор» тортилади — ёшанга ортида келин ва унинг янғаси, дўгоналари қолишади. Бу ёғида кўёв томоннинг қиз-жувонлари, қизқувчан болалар. Бу «девор» ортида нима борлигини билиш ҳар бир болага орзу. Сал шумроғи бирданига ёшангани кўтариб қочиб қолади. У ёқдан дакки эшитиллади.

Ташқарида улғусеа ош тортилмоқда. Лекин бундай пайтда ош таштидими. Ҳаммамиз «келин сузилиш» маросимининг бошланишини кутамиз. Бунга эса анча бор. Ҳали кўёв жўралар тамадди қилишмоқда. Янғилар кўёв учун келтирилган сарупо, ейимликларни тахлашмоқда.

Ёш болаларга «келин сузилиш» маросимидан қатнашишдан улғу бахт йўқ. Оёқ тағида қолиб кет, ширинлик емай йўлга — аммо бу сирли хонада бўл. Бирор жигаринг кўтариб олмасан, уй тўрида бўлаётган воқеаларни тушишда ҳам кўролмайсан. Кийқириқлар, кулгилардан сўнг ҳар гал юрагинг узилади. Аламдан кўзларингга ёшлар келади.

Мана «кадхудо» йиғит кўёв жўраларни саф тортирди. Уларга бир неча марта ўтириб — туришга амр этди. Кўёв жўраларнинг қай ҳолда ўтириб туришлари аҳамиятсиз. Ҳамманинг нигоҳи кўёвда. У бечора қора терига ботган. Шундоқ ҳам иссиқ хонага юз нафарча одам ёпирилиб кирган-да. Даҳлизда армон билан тўпланиб турганлар қанча? Кўёв ва жўраларига (улар одатда уч, беш, етти нафар бўладилар) чўккалаб ўтириш буюрилади. Кадхудо келин томондан олиб келган дастурхонни очади. Патир ушатиб, аввал жўраларига, кейин эса кўёвга узатади. Кўёвга бераётган пайтда бир неча марта айёрлик ишлатади — кўёвнинг патирга узатилган қўлига муаллақ қолади. Хонада кулги, қийқириқ. Шу тариқа кўёвнинг уятчанлиги ўлдирила борилади. У онда-сонда атрофга ўргинча қараб ҳам қўяди.

Энг қизиғи — кўёв ва жўраларига нишан ёшит бўлагини едириши пайти. Бунда ҳамма оғирлик кўёвнинг зиммасида. Боягидек ёшит қўл узатиб олинмайди. Кадхудонинг ўзи тутади.

Ниҳоят учинчиси, тўртинчи такрорлашда ёшит эгасига тегади. Аслида тегмасани маъқул эди. Мушдек ёшит бўлагини бир амаллаб оғизда айлан-тириб, чала чайнаб, томоқдан ўтказгунча ўтган дақиқалар кўёв учун йилларга тенг.

Бу аснода кадхудо дастурхонда қолган патир ва ёшит бўлақларини «сотишга» тушади. Талабгорлар кўп. Ҳамма яхши ният билан бир бурда нон ушоғи бўлса-да, олиш пайида. Бунинг учун кадхудо олдидан дастурхонга чақами, бир сўмликми ташлаш керак. Оналари «ёшит «сотиб» олган болаларнинг кайфиятлари чоғ. Ҳузур қилиб чайнайдилар, ёшит етмай қолганларга кўз-кўз қиладилар.

Кадхудо дастурхонга тушган пулларни йиғиб, тугадида янғага узатади. Бу пайтда кўёв ҳам ниҳоят улўшини ҳазм қилиб улғурган бўлади. Янға кўёв сарупосини ўртага ташлайди. Кадхудо жўралари ёрдамида уни кўёвга кийинтиради. Белбоғни маҳкам боғлайди. «Қани ўртага ўрин соли!» деб буюради у. Худди шу дақиқаларда одамларнинг ортида қолиб, томошани кўролмаётган болалар уввос солиб йўлга юборадилар. Эҳ, энг қизиқ жойидан бенасиб қолғимиз-да!


Яп-янги кўрпа-тўшакдан ўрин солинади. Кадхудонинг амри билан кўёв уй тўрида ийманибгина ўтирган, боғи воқеаларга ўргинча кўз ташлаган келин ёнига боради. Уни даст кўтариб, ўринга ташлайди. Ўзи ҳам ёлғондан ёнига йиқилади. Кадхудо-ю, янғалари шошилиб устига кўрпа ёпадилар. Гарчи, кўёв кўрпа тағида қўл қовуштириб, жимгина ётган бўлишига қарамасдан томошабинлар тегизишади: «Тегма! Қўлингни торт! Ҳали улғурсан!»...

Кадхудо шу ердаги болаларнинг бирини олиб уларнинг устига юмалагтади. «Серфарзанд бўлиндлар!» деса хитоблар эшитилади. Келин-кўёв устига думалаган бола шу куннинг қаҳрамони! У кейин тенгқурларига мақтаниб юради...

Кейин кўрпа тортиб олинади. Кўёв шартта ўрнидан туради. Аммо, ташқарига қочиб чиқишга улғурмайди. Эпчил жўраларидан бири дарров устидаги сарупони ечиб олади. Бу саруполарни қайтариб олиш учун кўёв кейин зиёфат бериши керак бўлади.

Тўйнинг биз болакайлар учун энг қизиқ пайти кечқурун бошланади. Кўёв жўралар бир уйда, келин дўгоналари билан бошқа уйда базм бошлайдилар. Қуй-қўшиқ тонггача давом

шунчаки ўтказиладиган бўлиб қолган. Чунки, ҳамма халқ кўзи олдига замонавий «комсомол тўй»ни кўриш илинжида. Бу тўйга оқ либосда, юзи очиқ келин билан бўйинбоғ таққан бошяланг кўёв шахдам одимлар билан



В. ТҲРАЕВ сурати

ҚАТРАЛАР

Сен кичик бир жисман деб ўйлайсан. Аммо буюк бир олам сенинг ичингда яшириндир.

* * *

Илм пайгамбарларнинг мероси, мол эса фиръавнларнинг меросидир.

* * *

Илм, сарфлаган билан камаймас, мол эса тугаб кетар.

* * *

Мол бир қўриқчига муҳтождир, илм эса соҳибини қўриқлайди.

Миразиз АЪЗАМ тайёрлаган

ҲАБРАТ АЛИ МЕРОСИДАН

«Оила ва жамият» 41(112)

ҲАЗРАТ СУЛАЙМОН ҚИССАСИ

Ҳикоят қилишларича, Довуд алайҳиссаломнинг ўн нафар ўғиллари бор эди. Энг кичиклари ҳазрат Сулаймон эдилар. Етти ёшларда эканларида оталари ҳузурига икки киши аргза келди. Бири деди:

— Бу кишининг қўйи менинг экинларимни еб қўйибди. Шунинг зарарини тўласин.

Довуд айтдилар:

— Сен у кишининг қўйини ол, сенин экинингни эса у киши олсин.

Қўй эгаси сал норозироқ бўлиб чиқиб кетди. Ҳазрат Сулаймон йўлда учраб, қандай ҳукм бўлганини сўрадилар. Воқеани эшитгач: «Масала адолатли ҳал бўлмабди, яна киринг», дедилар. Улар яна Довуд ҳузурига қайтдилар. Довуд уларнинг қайтиб келгани боисини сўраганларида, ҳазрат Сулаймоннинг гапини айтдилар. Ота Сулаймонни қақриб, сўрадилар:

— Эй, фарзанд, буларга сиз қандай ҳукм чиқарасиз?

Сулаймон айтдилар:

— Сизнинг ҳукмингизда бирига зарар, бирига фойда бўлибди. Қўйни бир йилгача деҳқон олсин. Шу бир йил ичида қўйдан келадиган фойдани деҳқон кўрсин. Экинни эса қўй эгаси олсин. Бир йил ичида экиндан келадиган фойда ёки зарарни ўзи кўрсин.

Бу сўз ҳаммага маъқул бўлди. Шу тариқа ҳукм чиқардилар. Бир йилдан кейин қўйни қўй эгаси, ерни ер эгаси олди.

Шундан кейин Довуд ҳар сафар арз сўраганларида, Сулаймонни ёнларидан олиб ўтирадиган бўлдилар.

СУЛАЙМОН ВА ЧУМОЛИ ҲИКОЯТИ

Ҳазрат Довуддан подшолик Сулаймонга қолди. Барча девлар уларнинг тахту фармонида эдилар. Бирор жойга бормоқчи бўлсалар, барча тахту тож, бисотлари билан, йигирма беш минг девдан иборат лашкарлари билан шамол қанотида учар эдилар.

Бир кун Сулаймон лашкарлари билан ҳавода парвоз қилиб бораётганларида ер юзидан бир чумолининг овозини эшитиб қолдилар. У шундай фарёд қилар эди:

— Менинг амри фармонимдаги чумолилар, тез қочинг, еринг тагга киринг. Бўлмаса ҳазрат Сулаймоннинг лашкарлари оёғи тагга нобуд бўласиз.

Сулаймон бу овозни эшитиб, осмондан ерга тушдилар. Ҳузурига бир оқ чумоли келиб салом берди.

— Отинг нима?— деб сўрадилар.

— Отим Манзара,— деди чумоли.

— Чумолиларни нега қочирдинг?— дедилар. Манзара шундай жавоб берди:

— Сиз ҳаммага подшоисиз, аммо мен ўз чумолиларимга подшоман. Қўл остимда қирқ табақа ер, ҳар табақада қирқ минг жамоа, ҳар жамоада қирқ минг чумоли бор. Сизнинг лашкарингиз оёғи остида бирортаси ҳалок бўлса, уволни менга тегади.

— Ҳаммасини қочириб ўзингизга қочмадинг?— сўрадилар Сулаймон.

ПАЙҒАМБАРЛАР ҲАЁТИДАН

Манзара деди:

— Мен уларнинг каттасиман. Уларлар фуқарога меҳрибон бўлмоқлари керак. Агар улар офатга ўзлари юзма-юз келиб, кичикларни бу хавфдан ҳалос қилсалар, кўп савоб иш бўлур.

— Бундай доно фикрларни сенга ким ўргатди?— сўрадилар Сулаймон.

— Ҳамма илм ўзимда деб ўйлайсизми? Бизга ҳам сизга берилган илмдан етарлича берилган. Агар ижозат берсангиз, сиздан бир неча савоб сўрасам,— деди Манзара.

— Қанча саволинг бўлса сўрайвер,— дедилар Сулаймон.

— Ҳақ таолодан нима талаб қилдингиз?— сўради Манзара.

— Бундан илгари ҳеч кимга берилмаган, мисли йўқ бир мулк тиладим.

— Бахил экансиз,— деди Манзара.— Маълум бўлдики, асло мендан бошқа подшо бўлмасин, дебсиз. Агар сизнинг давлатингиздан юз ҳисса ортигини минг кишига берса ҳам Худои таолонинг хазинаси кам бўлмайди. Шунча тилаганингизга яраша нима берди?

Ҳазрат Сулаймон:

— Шамолни изимига бўйсундирди. Тожу тахтим, лашкарларим билан кўтариб юради,— дедилар.

Манзара деди:

— Эй, Сулаймон, бунинг маъноси оламнинг елдек ўтишини билдиради. Унинг барча иши беҳудадир. Елнинг вужуди бўлмас, барча ишлари фонида. Уни тилагунча, маърифат марказини истасангизда, кўз очиб юмгунча Арши Аълога бориб етган бўлардингиз. Бундан бошқа яна нима берди?

— Мана бу узукни берди. Ҳамма оламнинг қалити шу узукдир,— дедилар ҳазрат Сулаймон.

— Эй, Сулаймон, Мағрибдан Машриққа тамом оламни амри фармонинг берибди. Унинг баҳоси бир пар-

ча тош экан-да. Шундай бўлса, бу дунё учун куйиб-ёнишининг ҳожати йўқ экан.

Сулаймон сўрадилар:

— Эй, Манзара, бунча ақл,билимни қаердан олдинг?

— Ҳаммасини билдиргувчи Ҳақдир,— деди Манзара.

— Бундан бошқа яна нима биласан?— деб сўрадилар.

— Қоронғи кечаларда ўзингизга тобе бўлган халқнинг ҳолидан хабар оласизми?— сўради Манзара.

бир неча кун касалга солиб ётдилар. Девлар бу хабарни бутун оламга тарқатдилар. Самандун бу гапни эшитгач, аниқроқ маълумот олмақ учун ер юзига чиқмоқчи бўлди. Ковус минг дев билан бирга уни излаб юриб, денгизда юзма-юз келди.

Ковус унга деди:

— Эй, Самандун, Сулаймон ўлди, девлар кутулди.

Самандун хотиржам бўлиб ер юзига чиқди. Ковус билан келган девлар каманд ташлаб, уни тутиб олдилар ва

НОСИРИДДИН РАБҒУЗИИ

— Йўқ,— дедилар ҳазрат Сулаймон.

— Мен бу заиф ҳолим билан ҳар кеча ухламай, фуқаро ва лашкарим манзилгоҳи атрофини айланиб, дарди бўлса, давосини Ҳақ таолодан сўраб муножот қиламан.

Ҳазрат Сулаймон бу сўзларни эшитиб, шундай дедилар:

— Илоҳи, мен ўзимни доно деб билардим. Менинг билганларим бу чумолининг олдида ҳеч нарса эмас экан.

УЧАР ОТЛАР ҲИКОЯТИ

Бир кун Сулаймон алайҳиссалом бир жойга кетаётиб, тоғ этагида ўтлаб юрган қанотли отларни кўриб қолдилар. Уларни тутмоққа ҳарчанд уринсалар ҳам ўшлай олмадилар. Отлар ҳар томонга учиб кетишди. Ҳазрат Сулаймон бу отларнинг иштиёқида оромларини йўқотдилар. Уз боргоҳларига келганларидан сўнг амри фармонларидаги Ковус отли бир девни қақирдилар.

— Карвон тоғида ажиб қанотли отларни кўрдим, уларни тутиб келтирсанг,— дедилар.

— Ул отларни мен тутта олмаман,— деди Ковус.— Самандун отли бир дев бор. Иблисининг авлодидан. Фақат ўша тутуши мумкин. Лекин у сизга тобе эмас.

Сулаймон сўрадилар:

— Уша дев қаерда яшайди?

Ковус айтди:

— Сиздан кўрқиб гоҳи денгизнинг остида, гоҳи булутнинг устида юради. Сулаймон сўрадилар:

— Уни қандай тутта оласан?

— Бунинг йўли бор,— деди Ковус айёрони жилмайиб.— Сизни оғир касал деган гап тарқатамиз. Шундан сўнг вафот этдилар, деб айтсак, кўнгли хотиржам бўлиб ер юзига чиқади. Ушанда тутиб оламиз.

Сулаймон алайҳиссалом ўзларини

Сулаймон ҳузурига келтирдилар. Самандун Сулаймон алайҳиссаломдан кўп кўрқар эди.

— Эй Самандун, шу пайтгача қаерларда юрган эдинг?— сўрадилар пайғамбар.

— Эй, подшоҳи олам, Сиздан кўрқиб қочиб юрган эдим,— деди у.

Сулаймон айтдилар:

— Энди қўлга тушдинг, сени нима қилайлик?

— Эй, подшоҳи олам, ғазаб қилсангиз азоб берган бўласиз, агар шафқат ва марҳамат қилсангиз, илтифот этган бўласиз,— деди Самандун.

Ҳазрат Сулаймон қанотли отлар ҳақида айтиб, агар ана шу отларни тутиб келтирса, гуноҳидан кечишларини изҳор этдилар.

Самандун айтди:

— Бунинг илоҳи осон. Фақат менга минг ботмон чоғи, минг ботмон юнг толиб берсалар кифоя.

Унинг айтган нарсаларини бир зумда муҳайё қилдилар. Самандун бу нарсаларни девларга кўтартириб, Карвон тоғига олиб борди. Бу ерда қанотли отлар сув ичадиган зилол сувли булоқ бор эди. Олиб келинган юнларни булоқнинг кўзига тикди. Сув тўхтади. Сув ўрнига ҳовузчага чоғир қўйиб қўйдилар ва беркиниб ётдилар. Отлар ташна бўлиб келиб чоғирдан тўйгунча ичдилар. Бир оздан кейин маст ётиб қолдилар. Шу заҳоти девлар беркинган жойларидан чиқиб, отларни тутиб олдилар ва Сулаймон алайҳиссалом ҳузурига олиб келдилар.

Ҳазрат бу отларни кўриб ниҳоятда хушнуд бўлдилар ва Самандуннинг гуноҳидан ўтдилар.

1. Ботмон — қадимги оғирлик ўлчов бирлиги. Ҳар бир водийда ботмон турлича миқдори ташкил этади. Бу 20 кг. дан 170 кг. гача.

Носир МУҲАММАД тайёрлади

Аҳмад ЯССАВИЙ

ҲИКМАТ

*Кўрган замон инонган Абобакр Сиддиқдур,
Устун бўлбутаёган Абобакр Сиддиқдур.*

*Мунглашқанда йиғлаган, қуллуққа бел боғлаган,
Ич бағрини доғлаган Абобакр Сиддиқдур.*


*Бир қавлидин қайтмаган, сирин ҳаргиз айтмаган,
Гофил бўлбўтмаган Абобакр Сиддиқдур.*

*Жон жононага қовшурган, қизин қўлдин тобшурган,
Қўл қовшуриб ёлборган Абобакр Сиддиқдур.*

*Айтган сўзига етган, нафсуҳаводин кетган,
Ҳақ Расулни беркитган Абобакр Сиддиқдур.*

*Муҳаммада қайнога, қилган эмас ҳеч хато,
Бўйнига солган пўта Абобакр Сиддиқдур.*

*Қул Хожа Аҳмад, қил тасдиқ, ёри ғорин қил тафриқ,
Орифликда, бил, содиқ Абобакр Сиддиқдур.*



С. МУСАЕВ сурати

ХАЙРЛИ ИШГА ҚЎЛ УРИНГ!

Тошкент Давлат Дорилфунуни бешинчи курс толиби СОХИБ КАМОЛ яқинда хайрли ишга қўл уриб «Беш юз беш исм маъноси» номли рисоласини ёзиб тугатди. Ёш тадқиқотчининг ушбу китобини нашр этгани «Ёзувчи» нашриёти ўз зиммасига олди. Муҳим аҳамиятга эга бўлган, барча учун қизиқарли ушбу китобни кўп нусхада нашр этиб, халқимизга тезроқ етказиш учун катта маблағ зарур.

ҲУРМАТЛИ ЮРДОШЛАР!

КИЧИК ҚОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТ РАҲБАРЛАРИ!

Ушбу китобни нашр эттиш учун хайрия сифатида имкониятингиз етгунча иқтисодий жиҳатдан ёрдам беришингизни сўраймиз.

Адрес: 700129, Тошкент ш. Навоий кўчаси, 30, тел: 44-29-27. Тошкент шаҳар СК банкининг «Нодирабегим» бўлимида ҳисоб рақами № 000363523 код: 1722613301

Илоҳий ҳадислар

Абу Хурайра (РА)дан ривоят қилинишича, Расули Акрам (САВ) шундай буюрдилар:

Азиз ва жалил бўлган Оллоҳ буюрдики: «Мен қўлимнинг зикрига кўраман; мени зикр этган ерда мен у биландирман. (Раҳматим, тавфиқ ва иноятим у билан биргидир)».

Оллоҳга қасамки, қўлимнинг тавбаси туфайли пайдо бўлган Оллоҳ Таолонинг секинчи, Сизлардан бирингизнинг исмиз чўлда йўқотган тўясини топиб олган пайтдаги секинчидан ҳам кўпроқдир.

«Менга бир қарич яқинлашганга мен бир аршин яқинлашаман; бир аршин яқинлашадиган бўлса, унга бир қўлоч яқинлашаман; менга юриб келса, мен унга югуриб келаман, таважжуҳ этаман».

«Эй одам ўғли! Сен мени яширин ҳолда зикр этсанг, мен ҳам сени шундай зикр этаман. Мени бир жалоат ичида эсга олсанг, мен ҳам сени ундан-да хайрлироқ бир жалоат ичида ёд этаман. (Бу билан омманинг таважжуҳига мазҳар бўласан)».

Валлоҳи Аълам Биссабов.



БИР ҚЎЛДА ҚОШИҒУ БИР ҚЎЛДА МОШИН...

Х. МИРЗАКАРИМОВ сурати

Дераза

«СНИКЕРС» — 56 ТИЙИН

Екатеринбургдаги «Чип ва Дейл» савдо уйи расталарида сотилган моллар талаб бўлиб кетди. Бунинг сабаби оддий — сотилаётган молларнинг баҳоси «сувтекин» эди. Масалан, «Русская» ароғи 3 сўму 62 тийин, «Сникерс», «Марс» шоколадлари 56 тийин, резинка сақич — 15 тийин, бир банка пиво эса 1 сўму 10 тийиндан сотилди. Нега нархлар бунчалик арзон деб хайрон бўлаётгандирсиз? Юқоридаги молларни сотиб олиш учун 1961—1990 йилларда чиққан тангалар керак бўлади. 1991 йилнинг тангаларини қабул қилишмади. Сотувчиларнинг айтишича, бу тангаларда металл унчалик кўп эмас эмиш.

Навбатда турган оломон орасида пул йиғиладиган қўтиларни синдирган болалар ва «оқбўйин» ишқивозлари кўпчиликни ташкил этди.

АХЛАТДАН ОЛИНАЁТГАН ЁФ

«Берлин» — Консалт фирмасининг мутахассислари чиққан чиққан пластмассадан ёф ишлаб чиқариш усулини жорий этдилар. Германиянинг Люббен шаҳрида ахлатга улоқтирилган пластмасса маҳсулотларидан мошин мойи тайёрлашмоқда. Бунинг учун ҳеч қандай ортиқча хом-ашё талаб қилинмайди. Беш кило пластмассадан ўртача 2,5 литр мошин мойи олинади. Нархи ҳам эскича усул билан олинаётган мойдан анчайин арзон.

ВЕЛОСИПЕДАДА ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШ

Етмишинчи йилларнинг бошларида АҚШда велосипедга талаб кескин ошиб кетган эди. Бунга сабаб, биринчидан, нефтнинг нархи кўтарилиб кетганлиги бўлса, иккинчидан, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва кўча ҳаракатларида велосипеднинг афзаллиги экан.

Бугунги кунда АҚШ полицияси маҳкамаларида велосипед яна оммалаша бошлади. Полициячиларнинг айтишига қараганда, ушбу транспорт воситаси кўча жиноятчиларини ушлаш учун ҳам жуда қулай эмиш.

Табриклаймиз!



Азизам ДИЛҒУЗА! 20 октябр никоҳ тўйимизнинг икки йиллиги ва шу кунда ширин қизалогимиз МУНИСАННИНГ туғилган кўни билан чин юракдан табриклайман. ДИЛҒУЗАМ бахтимизга доимо соғ-саломаат яшагин. Қизимизнинг қадамлари қўтлуг, бахти бутун бўлсин. Сизларга яна кўп яхши тилаклар тилаб, ҲАМЗА.

Синглим ОЙСУЛУВИ Ту-


гилганимга отам ва онам сени ойдек сўлув, соҳибжамол қиз бўлишингни жуда-жуда орзу қилгандир. Ҳақиқатдан сен оиламизнинг энг суюкли фарзанди бўлдинг. Олий-гоҳни тугатиб ҳозир Самарқанд вилояти, Оқдарё тумани, Ҳ. Олимжон номи 45-ўрта мактабда муаллимлик фаолиятингни бошлаганингга ҳам мана 4 ой бўлпти. Озми-кўпми халққа фойданг тегмоқда. Бу йўлда сенга туганмас ғайрат-шижоат, ишларингга улкан муваффақиятлар тилаймиз. Ва 10 ноябр туғилган кўнинг билан чин дилдан табриклаймиз. Илоё, барча орзу ҳавасларингга ет, умринг узок, иқболинг баланд бўлсин.

Сени кўп соғиниб ва сажимий қўтлов ила онанг ЗАРБУВИ ва синглинг.

Тошкент шаҳри. Талабаар шаҳарчаси

Мехрибон дадажонимиз

Убайдулла ҚУРБОНОВ! Сизни табаррук 67 ёшга тўлганингиз билан табриклаймиз. Яратгандан сизга узок умр, тан сўхатлик тилаймиз. Бизнинг — фарзанд ва наби-рларингиз бахтига доимо омон бўлинг, деб ҚУРБОНОВЛАР ОИЛАСИ.



Қадрли НУРМУҲАММАД ака! Қўтлуг ёшингиз муборак бўлсин! Сизга келгусида

метиндай мустақкам соғлиқ, узок умр, рўзгорингизга битмас-туганмас қўт-барака, ишларингизга ривож, ошлай роҳат-фароғат тилаймиз. Ҳаёт йўлингиз тоғ чашмасидек мусоффо, баҳор осмони-дек беғубор, дарё тўлқинларидай жўшқин бўлаверсин. Бахтимизга дунё турсулча туринг. Камоли эҳтиром ила ҚУЛМУҲАММАД, САИДМУҲАММАД, НЕЪМАТИЛЛО, МУҲАММАД ва ҲАСАНБОЙ укаларингиз.

Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани.

Оила

35 ЁШДА

«Қиз бола палаҳмоннинг тоши» дейишади. Рост гап. Лекин у тошини ҳам майда-лаб ташлайдиганларнинг қўлига тушса-чи! Бу битта менинг қисматимдаги кўргуликларим десам, турмуш

ўртоғим мендан сўнг ҳам яна уйланиб уч оғиздан бахтсиз этди. Неча-неча тирик етимларни меҳрга зор қилди. Нолимайман, ундан менга — икки ўғлим қолди. Тошкентда фарзандларим билан ота-онамникида яшайман. Худога шукр болаларимни ота-онам қарамоғида тарбиялаб вояга етказаялман. Лекин оила қўриб, бир-бирини қадрлаб, баҳамжиҳат яшаш энг эзгу армоним. Узим уй бекасиман, ишламайман. Насиб этса, ёши 35—50 атрофида бўлган уйим-жойим дейдиган мусулмон кишига турмушга чиқмоқчиман. «Оила-253».

Табрик эълонингиз ҳар бир белгиси (ҳарфи) 5 сўм. Битта расм (6×9 см, ҳажмида бўлиши шарт) 1000 сўм. Табриклар бир ой мuddат ичида чиқарилади. 10 кунлик мuddат билан берилса, 2 баравар қимматлашади.

Танишув эълонингиз баҳоси 400 сўм.

«УЧИНЧИ ОДАМ» ҲАҚИДА



Халим САИДОВ сурати

...Орадан бир йил ўтиб, дийдор кўришганимизга энди уч кун бўлган эди ҳамки, Сен мендан «учинчи одам» ҳақида шеър ёзиб беришини илатмас қилдинг. Мен аввалга Сен билан Унинг орасида бошқа бирисининг, шоир инсоф тилаган ўша бадбин ҳаёл, бадбахт қиёфанинг пайдо бўлганини ҳис қилишга урундим, тўғрироғи, унинг оёқ товушлари қулогим остида акс-садо бера бошлади. Аммо Сен бу билан қаноат ҳосил қила қолмадинг, менга — Сени жон қулогри билан тинглаётган бирисига, «учинчи одам» ҳақидаги бутун тасаввурларингни тушунтира кетдинг — унинг табиати, яратилиши Сен билан менга жудаям ўхшаб кетаётганидан энди мен ҳайратлана бошладим, кейин... шундан кейингина англадим, англадимми — Сен «учинчи одамни» тушунишга ҳаракат қилаётган эдинг, унинг изтироблари эса, Сенинг кўзларингиздаги истибдодда, — бу истибдод — худбинлик эди, — буй кўрсата бошлаган, қачонки, мен «...учинчи одам... У — изтироб одами бўлиши керак» дея Сенинг дардларингизга «исм» топганлигим ҳақидаги қаноатга борган пайтим, бу изтироб шаклланиб улгурган эди.

Менга энг ёқадигани сенинг ўзингиздан нафратланган пайтларингизда энг тоза, энг самимий муҳаббатинг. Уни севиб-севмаганлигинг ҳақида тиришиб ўйлаб ўтиришингизга ўрин йўқ. Ўзингиздан нафратланган пайтларингиз бўлганлигини эслашингизнинг ўзи кифоя қилади.

...Сенинг кесилган томирингиздан оқаётган қоннинг оний ҳаракати ва бу онийликнинг натижаси ўлароқ юзга келган олти ибтидоий шаклдан иборат исмининг бизнинг аксларимиз жилва қиладиган, «бир вақтнинг ўзида ҳам синиб, ҳам жарангайдиган «ашё сиртида пайдо бўлишининг» продасизлик эканлигини тан олишингиз, бу — энг муҳимдир.

Сенинг субъективлигингиз, бевосита муташиббис бўлган учинчи одамнинг ҳосиласи деб қаралиши мумкин. «Учинчи одам»га хос бўлган фазилатларнинг барчаси унга ҳам хос эди. У ҳам «изтироб одами» эди. Аммо у барча изтиробларига бадал — Сени абадий маҳкумлик сари бошлаётган, умрингизда бир марта босиб кўрмаганинг тиконни — Гул, ҳеч қачон тотиб кўрмаганинг — оғуни Сенга Асал деб тақдим қилаётган ва сўнгида... Сени бахт ҳақидаги энг ширин ҳаёлларга ўйлантираётган эди. Узинг шохиди бўлганинг каби кейинчалик «учинчи одам» сифатида у ҳеч нарса шифода

этмай бошлади ва ўйлайманки, Сенга фақат яхшилик қилди. «Учинчи одам» — у бошда такаббур эди, аммо Сенинг муҳаббатингиздаги собитлик — уни хокисорга айлантирди.

...Титраниб ўчаётган шамнинг ёруғида Сен сўнги сўзини айтишга шошилмадинг. Тўғриси, Сенинг айтadиган Сўзинг йўқ эди. Бўлса ҳам бу

ироданг билан «учаётганингга» амин бир қиёфани бор эди. Унинг «қаттиқ севиши» тўғрисидаги тасаввурлар Сени севишдан кўра кўпроқ «ҳамдардлик» туйғуларини яшашига ундар эди. Унга «ачинишини», «севгисини» хурмат қилишини тақрорлашни ҳуш кўра эдинг. Аммо Сендан минг чақирим узоқда эмас, шундоқ энгизингда у ҳам аини «ҳамдардлик» ҳисси билан яшаётган, у ҳам сенинг «қаттиқ севишинг» ҳақидаги ҳаёллардан завқ олаётган эди. Булар Сизнинг айбинеиз эмасди, балки Сизларни бир-бирингизга қаттиқ севишган «учинчи одам» қаламига мансуб трагедиянинг «комик сахналари» эди, холос.

Сен «учинчи одам»нинг «қилмиши»дан хабар тонганингдан кейингина «пастага туша бошладинг». Энди барча хатти-ҳаракатларингиздан ўзингизга «хос ирода»ни қиёра бошладинг. Холбуки, памага тушиши учун ҳеч қандай ирода керак эмас эди. «Инерция», оддий инерция кифоя қиларди бунга. Сен — йўлнинг бир учига бориб қолган одам, — бу воқеалардан кейин орқанга қайрилиб қарамоқчи ҳам бўлдинг. Афсус, энди кеч бўлган эди. «СЕН УНИ СЕВИБ ҚОЛГАН ЭДИНГ!»

Олижаноб эдинг. Аммо севишингни ҳеч тан олгинг келмасди. «Тан олмай туриб ҳам олижаноб бўлиши мумкин» эканлигига астойдил ишонардинг. У эса тан олишингни жуда-жуда истарди. Севиш-севмаслигинг тўғрисида «хархаша» қила бошлаган пайт ё бир баҳона топардинг ёки алам билан айрилардинг. Худди шу пайт бошланарди Сенинг энг самимий, энг тоза

тул хазани яқинлашаётган бир фасл, — бунгача Сен ва У қанча савдоларни бошдан кечирган, У икки йил давомида, ҳатто энг сўнги воқеаларда ҳам ўзининг ҳасос эканлигини кўрсатиб улгурган эди, — қанча вақтдан буён ўзи ҳақидаги тасаввурлар, гашиқлар билан Сени таъқиб этиб келаётган «учинчи одам» ҳақида жиддий ўйлаб бошладинг. Тўғриси, ўйласанг-ўйламасанг у сенинг ҳаётингизга, аниқроғи, Сендан ортда қолаётган ҳаётга дахл қила бошлаган эди. Ҳамма нарса, Сенинг бутун маҳрумиятигиз унга мерос бўлиб қолаётган эди, «Учинчи одам» — у эса ҳар доимгидек хокисор эди — бу «маҳрумият»ни бутунча, ўзининг «муяссарият»и ҳолида идрок қилишга уринаётган ва шундай қилаётгани учун ҳам ҳақли эди.

...Мен хонага кирган пайт Сен бағрини ерга бериб ётган, тепангда, стол устидаги тошойна сиртида эса Унинг исми ёнглиқ турар эди. Сен уқлиб, изтиробларингни мендан яширомоқчи бўлдинг ва қонга бўялган ашёни терсига чевиридинг. Аммо кўзларингизнинг туб-тубида Сендан яширин, Сенинг изтиробларингиз томир отаётган янги бир дунё — «учинчи одам» дунёсининг хилватнишинлиги — менга ҳамма нарсага ошкор этиб турган хилватнишлик бор эди. Фақат... ирода!... Унинг «қул ҳолида хур эканлиги» тўғрисидаги тасаввурлар менда Сенинг ироданга нисбатан яна шубҳа уйғота бошлади. Барибир, Сени азбаройи яхши кўрганам учун, иродасиз эмас, аксинча, ирода соҳиби, фақат... ўзини бағишлай олмангиз учун ундаги ирода — хур бўлмаган бир иродадир» деган қаноатга қуйкирдим ўзимни.

ЁЗИЛМАГАН ШЕЪР

сўз носамимий эди. Одатда, биз айтмоқчи бўлган сўзнинг табиати — унинг бизни ҳамшиша чеклаши эди, — худди кафтдаги чизиклар каби. Шундай бўлишига қарамай, бу сўз табиғатига терс бир тамойил билан Сенга чексиз эркинлик бераётган эдикки, алақибат Сен «шу ростми» дейишдан нарига ўтмадинг. Қолгани эса — менинг билганим каби шамнинг сўнги шўғуллари ёруғида акслана-акслана йўқлик қаърига синиб кетган кўзёшлар бўлди. Унинг кўзёшлари. Афсуски, Сен ичолмадинг бу кўзёшларни. Шамга бердинг. Нимёрғу кунларингиздан танҳо ёдоорлик — ана шу кўзёшларни ича олмаганингиз учун энди афсусланаётган бўлсанг — мутлақо ҳақлисан!

Мен эса... менинг қаноатларим холис одамниқидан ҳам хокисорроқ эди. Сендан нималар бўлаётгани хусусида ҳеч қачон сўрамас, фақат Сени кундан-кунга осмонларга олиб кетаётган гурур даҳшатга солар эди мени. «Бир кун ерга тушса, ҳоли не кечаркин?» дея ўйлардим мен. Аммо бу «учинчи» Сенинг ўз ҳолигиз эмас эди. Агар ҳақорат деган ҳаёлга бормасанг, Сенга нисбатан «бошқа бирисининг» қўли билан ҳавога учурилган тош» ўхшатишини қўллаш мажбуриятидаман. «Агар бу тош шуурга молик бўлсайди, ўз иродаси билан учанлигини қабул этган бўларди» деб ёзган эди Сен ва мен билан Шопенгауэр. (Дарвоқе, Шопенгауэр ҳам «учинчи одам» эди. Марҳум отасидан кейин машҳур шоир Хетеге жазманлик қилган онасининг «бир ўйдан иккита даҳо чиқмайди» дея уни зинадан памага итариб юбориши файласуфни умрининг охирига қадар «учинчи одам»нинг изтиробларига ўхшаб изтиробларни яшашига маҳкум қилган эди). Фақат... тошдан фарқли ўлароқ, Сенинг ҳамшиша ўз

ҳолатингиз — Сен ўз-ўзингиздан нафратлана бошлардинг. Бунга, афсуски, У ҳеч қачон кўрмасди. Мен кўрардим. Кўрганам учун ҳам уни астойдил ишонтиргим келарди. Аммо Сенинг билганингиз каби — менинг холислигим бегона одамнинг «ўзлиги» қадар тўпори эди.

Дарвоқе, гапимиз «учинчи одам» ҳақида эди...

...Умрнинг эмас, айитликнинг бай-

«Учинчи одам» ҳақида эса... Сўнги сўз: Дунёдаги барча романлар — Унинг изтиробларидир. Ҳамма фожиалар — «учинчи одам»нинг фожиалари... ва муҳаббат ҳақидаги энг гўзал шеърларнинг бари «учинчи одам» рўқининг изтиробли тўлғониларидир!..

Пахлавон СОДИК



80-йилларнинг охирида Ўзбекистоннинг ҳар бир шаҳри, маҳалласи, гузари, қишлоғида, қўйинги, болалар уйнаётган ҳар бир бурчагида дўппи-ю тақия, жиллакурса дастурмопчаларини ерга ташлаб, енгчаларини ажб-товур шимараётган болалар қадамда учраб қолган эди. Улар гуррос: «Шугинани-ё ким олади-я, олим бўлсанг ҳам кучингни кўрсат»,— дейишар, гали келган ер тепиб, ажиб муқому қўлга оҳанглар билан: «шугинани-ё мен оламан-а», деб, «шугинани» ердан оларди. Болаларнинг энг суюмли ижросига айланган ўйин, адашмасак, катталарнинг қалб тўрдан ҳам аллақанда жой олган эди! Унутилган сеҳрли зарбу муқому оҳанг уни унутганларга қайтди. Бу — зар қадрини билувчи заргар — Холиқ Хурсанов ва у киши раҳбарлик қилаётган «Бойсун» этнографик дастасининг «иши» эди.

Халқимизда юрган — дарё, ўтирган — бўйра мақоли бекорга айтилмаган. Қардош тожик дўстларимиз ҳам бекорга: «Сафар қардан — чаҳон дидан»,— дейишмайди. Зеро, сафарда ҳикмат кўпки, боболаримиз ҳам имкон топди дегунча, сафар қилганлар — юрт таниганлар, дўст орттирганлар. «Бойсун халқ этнографик дастаси дунё кезиб, хусусан, Англияда бўлиб қайтган эди. Даста раҳбари Холиқ ака Хурсанов саволларга селдай тўлиқиб жавоб берди.

— Биз тўрт кун Буёк Британиянинг 12 шаҳрида концерт ўтдик. Чиқишлар қилдик. Англия озода юрт экан. Стивенсон вилоятининг шундоққина ёнгинасида қариб денгиз бўйида иссиқлик электростансияси бор экан. Ишоот деворларининг тубига ча гулзор.

Бу юртда ҳар бир парча ер, ҳар бир дарахт парварши қилинган. Уйлар гул билан тўлдирилган. Бир шаҳарчада магазинларни айландик. 5 қаватли бино. Биринчи қаватида магазин. Магазинлар ишлаяпти-ю савдо қилинпяти-ю қолган тўрт қаватда таъмирлаш ишлари кетяпти. Ҳайтдан таъмирлаш ишлари кетяпти. Ҳайтдан қолдик: Бутун тўрт қават катта бино бузиляпти, унинг атрофида тўр, унинг устидагн селлофан билан ўралган. Атрофда чанг деган нарсдан асар йўқ. Шу ерда инсоннинг ўз юртига эҳтиромни, унинг ҳар бир сиқини тупроғи, ҳар бир тепалиғи, ҳар бир дарахтига бўлган меҳридан келиб чиқса керак, деган хулосага келдик.

— У ерда қурилишларга ҳам меҳрмуҳаббат, тежамкорлик, ҳам замона талаб қилаётган яқтисод нуқтаи назаридан қарашар экан-да!

— Албатта. Биз яшаган Блингем шаҳарчасида баъзи уйлар 300 йил олдин қурилган. Ҳозиргача бирорта уй кўпорилиб тушган эмас.

Ишлар жуда сокин, тўполонсиз, лекин жуда тезкорлик билан қилинар экан. Умуман, улар ишига нисбатан ҳам, ўзининг меҳнатини қадрлашда ҳам анча устун экан бизлардан. Олдики фишт терувчи ишчилар бир минг бир юз фунтдан то 3 ярим минг фунтгача маош олишар экан. Магазинлари, ай-

ниқса, улардаги одоб, иззат-ҳурмат, тартиб кишини ҳайрон қолдиради. Катта магазинда беш-тўрт киши ишлаётганини кўрасиз. Ҳаммасига улгуршади. Одоб билан қабул қилишга ҳам, одоб билан жўнатишга ҳам. Ҳаммасидан ҳам ҳайрон қоларлиси, 24 кун юриб, бирор инглиз бирортасига дўқ ёки пўписа билан ёки бақириб гапирганини эшитмадик. Қулиб, ўта одоб билан гаплашишар экан. Ҳавас қилсан киши.

— Улардаги магазин, дўконларнинг моллар билан таъминланганлиги қай даражада!

— Умуман, Англия, ўзи мева-чевага бой мамлакатмас. Лекин магазинларида бутун шарқ мамлакатларида етишадиган мева бор. Ананасми,

мизга тўғри келади. Баъзиларини сўраб ўрганамиз. Ешлар, масалан, ўзимиз учун аънана бўлган нарсани кимлардандир, шундай эдимми ёки шундай эмас эдимми, деб сўраб ўрганса биз қандай халқ бўламиз?

— Холиқ ака, Англияда бўлган даврингизда сизларнинг этнографик дасталарингизга уларнинг муносабатлари қандай бўлди, улар сизларни қандай кутиб олди!

— Умуман, биз борган шаҳарларга ўзбек санъаткорларининг биринчи бориши экан. Биринчи кунлар сал қийналдик, сабаби: ҳам тил тафовути, ҳам ақидалар тафовути, урф-одатлар тафовути. Энди биз фольклор этнографик даста-ку, шу ўзимиздаги урф-одатлар, маросимларни кўрсатишни

сидан кўрсатишгандан кейин биз қаерда жойлашганимиздан хабар топиб, хузуримизга уч ўзбек оиласи келди. Ушаларни кўриб жуда қувондик. Улар ўзлари билан бирга фарзандлари, набираларини олиб келишди. Уларнинг бирлари Муштоқжон ака бўлиб, оталари Ўзбекистондан чиқиб кетаётган вақтларида бу ерда Тўхтаҳон номли қизлари қолган экан. Тўхтаҳон ая ҳозир Тошкентда яшар эканлар, уларга Муштоқжон аканинг дуоларини етказдик. Сўхбатимиздан шу нарса аён бўлдики, Муштоқжон ака ўзбек, араб, инглиз тилларини жуда мукамал билар экан. У кишининг айтишича, 13 ёшларида оталари оламдан ўтаётганларида: «Ўғлим, сенинг ажойиб ватанинг бор, сен ўзбексан, шу тилни билишинг керак.

АНГЛИЯДА КЎРГАНЛАРИМИЗ

«БОЙСУН» ХАЛҚ ЭТНОГРАФИК ДАСТАСИНИНГ РАҲБАРИ ХОЛИҚ ХУРСАНОВ БИЛАН СУҲБАТ

бананми, ҳатто қовунлар бор. Стивенсон шаҳрида катта ярмарка кунлари моллар 50 фунтгача арзонлаштирилган экан. Истаган нарсангизни топа оласиз. Биз коллежда яшадик. Уша коллежда фаррош 700 фунт ойлик олarkan. Бизнинг мана бу «Лада» маркали машиналаримиз турибди 2200 фунт. 5 ойлик маошга, демак, битта машина олса бўларкан.

— Йўл тартиблари, автобуслар хизмати, йўловчиларга кўрсатилаётган хизматлар қандай!

— Биз кечаси Тетрова аэропортига тушганимиздан кейин 480 километр йўл юришга тўғри келди. Автобусда мизгиб бордик. Автобуснинг бирор марта илкис силкиншини сезмадик. Умуман йўллари кафтдек текис экан, четларига чанг фишт териб, бўяб қўйишган.

Қурилишлар жойининг умумий манзарасига қараб олиб борилар экан. Ҳар бир бино, уй ўша ерга ярашадиган қилиб қурилган. Умуман, бу халқ ўзини ҳам, ерини ҳам қадрлар экан.

Биз жуда кўп нарсани йўқотганимиз. Биз жуда кўп томондан орқада қолиб кетганимизни, оёқ ости қилинганлигини Англияда ҳис қилдик. Жуда ўқисган пайтларим кўп бўлди. Ушалардаги одобни кўриб, хаёлимдан ўтди: ахир бизнинг одоб-ақидаларимиз уларни шу одоб ақида тушунчаларидан банд эди-ку?! Бизда шарият қандай гўзал эди! Демак, инглизлар энг яхши нарсаларимизни ўзларига сингдириб олибди! Бу нарсаларга эътибор беришга мажбуримиз, сабаби фольклор этнографик дастанинг бадиий раҳбариман. Ҳар битта аънана бўлиб қолган қадимий урф-одатларимиз бўйича нумер тайёрлаганимизда саҳнага чиқиш учун жуда кўп нарсани ўйлаши-

кўзда тутамиз. Кейин яхши фикр келди бизларга: биз ҳар бир нумеримизни қисқа қилиб тушуштиришга ҳаракат қилдик, инглизчага таржима қилиб, таржимон гапириб турди. Ушандан кейин концертларимиз жуда чиройли ўтадиган бўлди. Ўзимиз кўрдикда, болалар саҳнадаги кўрсатган ўйинларимизга тақлид қилишларини. Шаҳарда юрганимизда бизнинг ҳар биримизни нафақат ҳалиги фольклор кийимда, олдики кийимда ҳам танийдиган бўлишди. Энг охириги концертимиз Стивенсон шаҳрида бўлди. Уша кунни ҳатто шаҳар мэри концерт охирида чиқолмай ўзининг ёрдамчилари билан саҳнага чиқиб келди. Жуда яхши концерт ўтказдик.

— Ёдингизда бир умр сақланиб қоладиган воқеа ҳам бўлдимми!

— Кўп бўлди. Биринчи хурсанд қиладиган воқеа шу бўлдики, биз Беллинг шаҳрида яшаётганимизда 13—14 ёшлардаги инглиз боласи олдимизга келиб, ўзбек тилида «Ассалому алайкум» деб сўрашди. Таржимон орқали бу бола билан гаплашдик. Боланинг айтишича, у Шарқ халқларининг ҳаётига жуда қизиқар экан. Айниқса, Урта Осиё ҳақида кўп нарсалар билишга интилар экан. Бизга Қуръондан бир неча оятлар ўқиб берди. Унда БУ ОЯТЛАРНИ БИЛИШИ сирини сўраганимизда, у бувиси билан Ислому динини қабул қилганини, Ислому дини дунёда энг адолатли дин эканлигини фахр билан гапириб берди.

Кейин яна бир воқеа дастаимиз аъзоларининг ёдида узоқ сақланиб қоладиган бўлди. Бу Англиядаги ўзбек оилалари билан бўлган учрашуви. Даста аъзоларини Лондон телевидение-

Агар шу тилни ўрганмасанг мен сендан рози кетмайман»,— деб васият қилган эканлар. Ана шундан кейин Муштоқжон ака ўзбек тилини пухта ўрганишга киришппти. Уларнинг тиллари жуда қизиқ. Қизиқарлиги шундэки, худди Навоийлар замонидек, худди ўшалар билан гаплашгандек бўласиз. Масалан, «Келадургон», «Борадургон», «Айтадургон» каби эски ўзбек сўзларини қўллашади. Сўзлари жуда ширин, у кишининг Фаррух исми ўғиллари бўлиб, Лондон билан Саудия Арабистони ўртасида учадиган тайёранинг командири бўлиб хизмат қилар экан. У ҳам ўзбек тилини билади, баланд бўйли, чиройли йигит. Балки қонимиз яқинлиги учун кўзимга чиройли кўриндимми, билмадик, лекин барибир чиройли йигит экан. Улардан ташқари Абдулатиф ака ўз дўстлари билан келдилар. Дўстлари ўзи билан бирга 8 яшар ўғилчасини олиб келди. Шу бола ҳам биз билан ўзбек тилида гаплашди. Биз унга олиб борган чопон, дўппиларини кийгизиб, ўзимиз билан бирга олиб юрдик, қўшиқларимиздан ўргатдик.

— Холиқ ака, урф-одатларимизни, аънаналаримизни, миллий санъатимизни мадҳ этувчи янги-янги қўшиқларни эшитиш истагидамиз. «Бойсун» дастасининг барча аъзолари соғ-саломат бўлишсин, халқимиз йўлидаги савобли ишларингизда сизларга куч-мадад тилаймиз.

— Раҳмат.

Гофир ЖАМОЛОВ,
Урол ЎЗБЕК

Спорт оламида

МУШТЛАШГАНГА МИНГ ДОЛЛАР

Тошкентдаги «Алломиш» спорт саройида шу йилнинг 5 октябрида бошланган халқаро турнир миллионлаб бокс ишчибозлари кутмаган даражада катта шов-шув билан ниҳоятсига етди. Унда ўндан ортқ хорижий мамлакатлардан келган спортчилар ҳам катнашди. Умуми командани ҳисобда ўзбекистонликлар биринчи, россияликлар иккинчи ўрнини ўзaro баҳам кўришдилар. Юртдошларимиздан бир йўла ўн бир боксчи голиблик шохсулхасга кўтарилди. Ушбу турнирнинг энг яхши катнашчиси деб наҳонинг вице чемпиони Ҳ. Аҳмедов топилди ва унга мусобақанинг энг катта мукофоти — 500 доллар берилди. Бироқ, дўст — Афғонистондан келиб, ўз вазин бўйича голиб бўлган ягона спортчига Афғонларнинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан 1000 доллар совға тақдим қилинди. Ана холос...

ОРКЕСТР ЖЎРЛИГИДА ЙИГЛАШДИ ЭКИ ФУТБОЛЧИ АЗАМАТ АБДУРАИМОВ ҚАЧОН ВА КИМГА УЙЛАНАДИ!

Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионатининг навбатдаги гаройиб учрашувларидан бири Тошкентда бўлиб ўтди. Биродар Абдураимов раҳбарлигидаги ҳарбийлар МХСК командаси Тошкент вилоятининг «Политотдел»ини қабул қилди ва ўз майдонда 1:2 ҳисобида ютқиذب кўнди. Ушбу учрашувни бошқарган ҳакам иккинчи бўлимда МХСКнинг бир йўла тўртта аъзосини майдондан ҳайдаб чиқарди. Бироқ иш бу билан тугагани йўқ. Ҳарбийлар майдонда етти киши қолганда ҳам нақ 13 даққа давомда ўз дарвозасини қаттиқ ҳимоя қилган бўлса, «ўзбошимча» ҳакам Биродар акадан озги-бурин тўлғунча сўниш эшитди. Сўнгра ўйингоҳга ташриф буюрган оркестр жўрлигида кимлардир қувонганидан, кимлардир эзилганидан роса йиғлашди.

Армиячилар футболга онд яна бир янгилик; Бош мураббийнинг катта ўғли — «10» рақамдаги ҳужумчи Азамат Абдураимов яқинда Исроилнинг «Маккаби» клубига кетмоқчи. Шартонома муддат, нархи ва Азаматнинг уйланиши ёки уйланмаслиги тўғрисидаги мақолани газетимизнинг кейинги сонларидан бирида ўқисиз.



Жўра БОБОРАҲМАТ сурати

